



# ИШОНЧ

45



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

## ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИГА ҲОЗИРЛИК

**МУСТАҚИЛЛИК** юртимизда талайгина оламшумул янгиликлар яратилишига кенг имкониятлар яратаётир. Машинасозлик саноати корхоналари касаба уюшмаси ташкилотлари ҳамда шу тармоқ концернлари раҳбарларининг таклифлари асосида машинасозлик саноати ходимларининг касаба уюшмасини ташкил этиш бўйича комиссия тузилди. Мазкур комиссия шу тармоқдаги барча бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларига Мурожаатнома қабул қилиб, унда уюшманинг таъсис съездини ўтказиш юзасидан

кўрсатмалар берилди, қурултой олди учрашувлари, конференциялар ўтказиш бўйича тadbирлар белгилаш айтилди.

Мурожаатга жавобан Урта Осиё кабели ишлаб чиқариш, электр аппаратлари бирлашмаларида, Тошкент трактор, «Фотон», Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводларида ана шу таъсис қурултойга делегатлар сайлашга бағишланган конфедерациялар ўтказилди ва ушбу бўлажак анжуманга вакиллар сайланди.

«Ишонч» мухбири.

## ЙИҒИЛИШ ҚИЗҒИН ЎТДИ

**АНДИЖОН** вилояти касаба уюшмалари бирлашмаси барча тармоқлардаги касаба уюшмалари гуруҳларида йиллик ҳисоботсэйлов йиғилишлари зўр уюшқоклик ва кўтаринки рух билан ўтмоқда.

Кунни кеча маданият ходимлари касаба уюшмалари вилоят кўмитаси ҳисоботидаги мавжуд 44 та касаба уюшма гуруҳлари ўз йиғилишларини жуда кизғин, бугунги кун муаммола-

рига боғлаган ҳолда ўтказишди. Йиғилишда бу гуруҳлардаги 289 нафар касаба уюшма аъзоси ўз раисларининг ҳисоботларини тингладилар. Сайлов йиғилишлари натижасига кўра барча касаба уюшма ташкилотчиларининг 28 нафари шу лавозимга қайта сайланди, 16 нафар фаоллар эса биринчи марта уюшма раҳбари этиб сайландилар.

«Ишонч» мухбири.

## ЯХШИНИНГ ШАРОФАТИ

**ЭЛИГИНЧИ**-олтмишинчи йиллари қувалик пахтакор Шакархон Мўминованинг номи на фақат Фарғона водийси, балки бутун Ўзбекистонда машҳур эди. Нозикдан келган, серҳаркат, қувнок бу аёл «Ленинизм» (ҳозирги «Дўстлик») жамоа хўжалигида энг кўп пахта териб, доврўг таратди. Ўша йиллари Шакархон опадан ўртак олганлар сафи ошгандан ошиб кетди. Кўп йиллар у жамоа хўжалиги раиси сифатида ташкилотчилик қобилиятини кўрсатди. Она қишлоғини обод қилди, тоза сув, газ олиб келинишига, деҳқонлар ҳаётининг фаровон бўлишига эришди.

Қуваликлар бу меҳнаткаш, одамижон инсон хотираси учун унинг номида мукофот таъсис этдилар. Фарғона вилояти ҳокимлиги ва касаба уюшмалари вилоят кенгаши раёсати Кува

тумани ҳокимлигининг бу ташаббусини қўллаб-қувватлади. Ҳар йили пахта йиғим-терими якунида энг илғор теримчиларга ҳар бири 50 минг сўмлик 50 та мукофот берилди. У пахтакор аёлларни маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантиришга хизмат қилди.

— Ҳамюртимиз Шакархон Мўминова номида мукофот ташкил этилганини эшитиб, ғайратимга ғайрат қўшилди,— дейди М. Обидов номидаги жамоа хўжалиги теримчиси Фазилатхон Нурматова.— Гап, албатта, пулда эмас, ифтихорда. Ота-боболаримиз, онахонларимиз меҳнати, ҳаёти ҳамisha биз учун ўртак, биз учун ибратдир.

Санъат МАҲМУДОВА,  
«Ишонч» мухбири.



Шер билакли йиғитлар бор жойда меҳнат унумли бўлади.

Жиззах вилоятининг «Дўстлик» туманидаги Саркисов номидаги давлат хўжалигида «Илғор» ширкати раиси Курдош Бадалов билан механизатор Мурод Жамшидовларнинг нияти ҳам ғайрати ҳам улуг. Улар 387 гектар майдондаги ҳосилни юз фоиз машинада териб, режадаги 27,3 ўрнига 30 центнердан ҳосил топширишга аҳд қилганлар.

Омаднингиз келсин, азиз дўстлар.

Умарали ҚУШВОҚОВ олган сурат.

## Хабарлар мағзи



● **ЎЗБЕКИСТОН** Фанлар академияси ташкил этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон Фанлар академияси олимлари, илмий-техник ходимлари, барча мутахассислари ва хизматчиларига табрикнома йўллади.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президентининг Фармонига биноан Республика Фанлар академияси ташкил этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларга Ўзбекистон Республикасининг Фахрий унвонлари ва Фахрий ёрлиқлари берилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Фанлар академияси ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

● **ВАЗИРЛАР** Маҳкамасида Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган кун—8 декабрда умумхалқ байрамини ўтказишга тайёргарлик кўриш ташкилий кўмитасининг бўлиб ўтган мажлисида байрамга тайёргарлигининг бориши ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

● **125 МИНГ** тонналик улкан пахта хирмони бунёд этган Навоий вилояти деҳқонлари ҳам йиллик режани бажардилар. Даладаги ҳосилнинг сўнгги миқолигача йиғиштириб олишга аҳд қилган навоийлик миришкорларни «Республикамиз Президентини қизғин қутлади».

● **ТОШКЕНТДА** «Халқ сўзи» газетаси ташаб-

буси билан «Замон-Ўзбекистон» газетаси ва Ўзбекистон Фанлар академияси ҳамкорлигида «Абдий қадриятлар ва Аҳмад Яссавий» мавзуида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиё мамлакатларидан, Туркия ва Бошқирдистондан келган меҳмонлар иштирок этишди.

● **ФАРҒОНАНИНГ** «Нефтчи» футбол жамоаси иккинчи бор Ўзбекистон чемпиони деган юсак номга сазовор бўлди. Фарғонадаги «Спартак» ўйини ҳида минг-минглаб футбол ишқибозлари чемпионларни муборакбод этдилар.

● **ТОШКЕНТДА** ўтказилган шаҳар қақриқ комиссиясининг мажлисида ешларни ҳарбий хизматга жалб этиш борасида бир қанча камчиликлар борлиги кўрсатиб ўтилди, уларни бартараф этиш йўллари белгилаб олинди.

ОБУНА — 94

## «ИШОНЧ» КЕЛГУСИ ЙИЛДА ҲАМ ИШОНЧИНГИЗНИ ОҚЛАЙДИ

Ф. СП-1

Алоқа вазирлигини «Матбуот уюшмаси»

«ИШОНЧ»

(нашр номи)

(нашр кўрсаткичи)

газетасига ОБУНА

обуна соми

19 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга

(почта кўрсаткичи)

(майявил)

Қимга

(Фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

### ГАЗЕТАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ

п.в.	ноябр
------	-------

(нашр кўрсаткичи)

«ИШОНЧ»

(нашр номи)

обуна	баҳоси	обуна соми
янги маъ-вилга юбориш	баҳоси	сум

19 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----


Қаерга

(почта кўрсаткичи)

(майявил)

Қимга

(Фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)



БУ ЙИЛ Тошкент вилояти далаларида пахта йиғим-терими олдинги йилларга нисбатан кеч бошланди. Бунга баҳорнинг серёғин келиши, ғўзалар яғанадан чиққан вақтда ёққан жала оқибатда экин майдонларининг бир қисми бузиб экилганлиги сабаб бўлди. Аммо, техникага таяниб иш кўрадиган вилоят миришкорлари пахта очилиши билан далаларга «зангори кема»ларни олиб чиқишди. Пахта йиғим-терим мавсумида вақт билан ҳисоблашмай меҳнат қиладиган механизаторлар терим суръатига суръат қўшмоқдалар. Жойлардаги касабалар уюшмаларининг пахтакорларга талаблар даражасида маданий-маиший шароит яратиб бериши дала меҳнатқашларининг руҳини кўтариб, иш унуми ошишида муҳим омил бўлмоқда.

Бу ҳақда мухбиримиз вилоят деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касабалар уюшмаси кўмитасининг раиси Камолжон ШОДИМЕТОВ билан сўзлашди.

— Кузда деҳқонларнинг пешона тери эвазига етиштирилган «оқ олтин»ни йиғиб-териб олиш муҳим давр ҳисобланади. Сиз раҳбарлик қилаётган касабалар уюшмасининг терим даврида дала меҳнатқашлари оғирини енгил қилиш борасида амалга ошираётган тадбирлари ҳақида сўзлаб берсангиз!

— Пахта йиғим-теримида ўз ҳиссамизни қўшиш, касабалар уюшмамиз фаолларининг актив иштирок этишига эришиш учун кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши чақириб тадбир белгиладик. Унда теримда иштирок этадиган пахта териш машиналари, транспорт тракторлари ва прицепларининг таъмирлаш даражаси тажрибали мутахассислар кўригидан ўтказилди, ишчи, хизматчи ва ҳашарчиларга қулай шарт-шароит яратиб бериш назарда тутилди.

Жамоа шартномаси ва битимларда кўзда тутилганидек, дала шийпонларини теримчилар хордиқ чиқариб, дам оладиган маскан даражасида таъмирланишини хўжалик раҳбарларидан талаб қилдик. Шунинг учун шийпонларда пахтакорларнинг дам

олиши учун зарур бўлган шароитлар яратилди. Терим суръатини тезлатиш мақсадида механик ҳайдовчилар ва теримчилар ўртасида мусобақа ташкил этилди.

Жамоа ва давлат хўжаликларидagi касабалар уюшмалари кунлик нормани ошириб бажараётган илғорларни рағбатлантириб бормоқдалар. Бўка туманининг «Бўстон» жамоа хўжалигида вилоят ўқитувчилар олийгоҳи талабалари ўртасида беллашув ўтказилганлиги фикримнинг исботидир. Бу мусобақада физика-математика куллийети биринчи, бошланғич таълим методикаси куллийети иккинчи ўринни олишди. Шахсий биринчиликда 206 килограмм пахта терган Шодимурод Омонов совриндор бўлди.

Меҳнатига яраша белгиланган маошни ўз пайтида берилиши назорат қилинмоқда.

Барча туманларда кўчма амбулатория ташкил этилди. Дала меҳнатқашларига медицина хизмати кўрсатиш, биринчи даражали моллар билан таъминлаш савдоси шийпонларга кўчирилди.

Касабалар уюшмамиз, бу йилги мавсум «қийинчиликларини ҳисобга олиб, механик ҳайдовчилар учун текинга 2500 дона парҳез таомлар йўлланмасини ажратди.

Пахтакорларнинг маданий дам олиши жойлардаги касабалар уюш-

сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиниб, туман хўжаликларига тарқатилди.

Вилоят касабалар уюшмалари кенгаши ҳам илғорларнинг дам олишини ташкил этиш учун ҳар бир туманга бештадан йўлланмани текинга ажратмоқда. Бу йўлланмалар илғорлар қаторида йиллик режани бажарган бригада бошлиқлари, мутахассислар ва теримчиларга берилади. Яқинда йўлланманинг бирини туманда биринчи бўлиб, йиллик режани бажарган Ҳамза номидаги жамоа хўжалигининг бригада бошлиғи Нурали Ортиқовга берилди. Бу бригада 58 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 27,6 центнердан ҳосил олди. Бригада аъзолари 35 центнерлик маррани эгаллаш учун ҳаракат қилишмоқда.

Илғор хўжаликлар биринкетин йиллик режани уддаламоқдалар. Уларнинг бири Ваҳоб Мирзакулов раҳбарлик қилаётган «Янги ҳаёт» жамоа хўжалиги бўлди. Карвонбоши пахтакорларни табриклаш учун вилоят ҳокими Сайфулла Сайдалиев хўжаликка келди. У зафар қўнган пахтакорларни чин юракдан муборакбод этди. Яқин кунларда сўзи билан иши бир пойтахт вилояти пахтакорларининг 320 минг тонналик «оқ олтин» хирмони қурама тоғнинг чўққисидек кўтарилиб, ўзини кўз-кўз қилиб қолади. Ҳозирги вақтда уй бекалари, талабалар, саноат корхоналарининг ишчилари шу кунни яқинлаштириш учун пахтакорларга мададкор бўлишмоқда. Биз бу умумхалқ ишига ўзимизнинг салмоқли улушимиз қўшилиётганлигидан мамнунмиз.

«Ишонч» мухбири Саидазим ШАРОФХОНОВ сўзлашди.

## ТАБОБАТНИНГ ТАЛАБИ

Инсон учун энг муҳими — соғлиқ. Халқнинг, келажакдаги авлоднинг баркамол бўлиб етишиши, тани-сихатлиги эса табобат ходимларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Улар бу соҳада чин дилдан меҳнат қилиб келмоқдалар. Яқинда бўлиб ўтган Тошкент шаҳар шифокорларининг анжуманида соғлиқни сақлаш ходимлари юртбошимиз Ислоҳ Каримовнинг Сирдарё вилояти ноиблари олдида сўзлаган ҳаётини маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида ўртоқлашишди.

Анжумани Республика Соғлиқни сақлаш вазирининг муовини, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи Қ. Ризаев очди.

Шаҳардаги 1-сил касалликлари касалхонаси бош врач Адҳам Расулов, 2-туғруқхона акушер-гинеколог Феруза Норматова, 41-поликлиниканинг бош ҳамшираси Гулбаҳор Бурҳонова, «Тез ёрдам» станциясининг бўлим бошлиғи Ҳайрулла Турсунов, Соғлиқни сақлаш бошқармаси автобазасининг ҳайдовчиси Абдувакил Мавлонов, терапевт врач Валентина Сикиотовалар юртбошимизнинг ёрқин маърузасидан келиб чиқадиган фикр-мулоҳазалар, табобатчиларнинг энг муҳим вазифалари ҳақида тўхталдилар ва бундан ўзларига зарур бўлган хулосалар чиқариб олиш кераклиги ҳақида фикр билдирдилар.

«Ишонч» мухбири.

## ЖИЗЗАХДА ОБУНА ҚИЗГИН

ЎТГАН йили вилоятда «Ишонч»га обуна яхши ташкил этилган эди. Шу сабабли Жиззахликлар газетанинг ҳар бир сонидан 13 минг нусха олиб ўқиб ундаги маънавий бойликдан баҳраманд бўлмоқдалар.

Жиззах вилояти касабалар уюшмалари кенгаши раёсатининг бўлиб ўтган йиғилиши 1994 йил учун вилоят ҳудудида «Ишонч»га обунани пухта ташкил этиш билан боғлиқ масалани муҳокама қилди. Унда бу йилги обуна кечикаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Касабалар уюшмаси фаоллари, бошланғич ташкилотларнинг ҳар бири биттадан «Ишонч»га ёзилишлари шарт қилиб қўйилди.

Алибой ЭРГАШЕВ,  
«Ишонч» мухбири.

## ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОН!

«Ишонч» газетасига обуна бўлишни истасангиз билиб қўйинг. ЯҚКА ТАРТИБДАГИ ОБУНАЧИЛАР УЧУН — унинг йиллик обуна нархи 4164 сўм (нашр кўрсаткичи — 64560).

КОРХОНА ВА МУАССАСАЛАР УЧУН эса йиллик обуна нархи 9888 сўм (нашр кўрсаткичи — 64561).

## ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

### ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТўЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса таквим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

## АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Газета ва журналларга обуна варақасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, фамилияси, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «п. в.» — «жойи» деган ёзувли каттакларни алоқа бўлимлари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазди.

# ТЕРИМ УНУМИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА



Саволларга Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирлигининг етакчи мутахассиси Мастура Ҳожиматова ва иқтисодчи Санжар Расулов жавоб берадилар.

1992 йилда Жиззах шаҳридаги енгил саноат техникумининг ҳисобот факултетини тугаллаганман. Шу йили 15 сентябрдан бошлаб Зафаробод туманининг улгуржи савдо бўлимида ҳисобчи вазифасида ишлаб бошладим.

1993 йилнинг 29 март куни «штатимиз йўқ. Икки ойлик маошингизни тўлаймиз» деб мени ишдан озод қилишди, Қисқартириш тартиби қандай бўлиши керак?

Баходир МАНСУРОВ,  
Жиззах вилояти, «Уч қаҳрамон»  
давлат хўжалиги

уюшмасининг розилиги олингандан сўнг;

2. Қисқартирилиши зарур ўринни эгаллаб турган ходимга 2 ой олдин ёзма равишда маълум қилинади;

3. Икки ой даврида имконият борича шу корхонада мутахассислик бўйича бошқа иш таклиф қилинади;

4. Қисқарувчининг янги касб эгаллаши бўйича ҳаракат қилинади.

Қайд этилган шартлар bajarилмиш имкони топилмаган тақдирда қисқарувчининг ўртача ойлик маоши ҳисобидан 2 ойлик ҳақи тўланади. Агар шу икки ой мобайнида қисқарувчи ишга жойлаша олмаса ва унинг ишга жойлаша олмаганлиги меҳнат биржалари томонидан қайд этилган бўлса, учинчи ой учун ҳам ўртача иш ҳақи тўланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида иш даври ва эгаллаган вазифасидан катъий назар шу корхонанинг фойдалилик даражасини сақлаш, ходимларни ижтимоий ҳимояланганлигини таъминлаш мақсадида ҳар қандай иш ўрни қисқартирилиши мумкин. Лекин бу ўринни эгаллаб турган

ходимнинг ижтимоий ҳимояланганлигини таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон меҳнат қонунлари кодексининг 3-боб / 51<sup>2</sup>-моддасига биноан қисқартириш тартиби қуйидагича бўлади:

1. Корхона, ташкилот, маъмурияти ўрин қисқариши учун шу корхона қасаба

Дадам 1931 йилда туғилганлар. Аммо, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалари йўқolib, ёшлари 1938 йил бўлиб, фамилиялари Норхўжаев Нормуҳаммад ўрнига Абдуқаюмов Меҳмонали бўлиб қолган.

Дадамнинг ёшларини, фамилияларини тўғриласа бўладими?

Г. АБДУҚАЮМОВА,  
Фарғона вилояти, Риштон тумани  
Ленин кўчаси, 232-уй.

ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Агар ҳужжатларда (паспорт, туғилганлик гувоҳномаси, ҳарбий билет, никоҳни қайд қилиш гувоҳномаси, хўжалик дафтарлари ва бошқаларда) ҳар хил зиддиятли ёзувлар кўрсатилган бўлса, ёшни аниқлаш масаласини ҳокимият ҳузуридаги ёшни тиклаш комиссияси кўриб чиқиб ҳал қилади.

Исм, шарифларини ўзгартириш масаласи суд органлари ваколатига киради.

Амалдаги қонунга асосан паспорт ёшни тасдиқловчи

Онам 1928 йилда туғилган. Кексалик пенсияси оладилар. У киши Улуғ Ватан уруши йилларида ҳам меҳнат қилиб медал билан тақдирланган. Онам қандай имтиёزلардан фойдаланишлари мумкин?

С. МЕЛИБОЕВ,  
Жиззах вилояти, Галлаорол  
тумани, Гулистон қишлоғи.

Улуғ Ватан уруши йилларида фронт ортида фидокорона меҳнат қилиб орден ва медаллар билан тақдирланган шахсларга қуйидаги имтиёзлар белгиланган:

1. Врачнинг рецептига асосан дори-дармонларни 50 фоиз арзон нархда сотиб оlish;

2. Маиший хизматлардан (электр энергия, газ, сув) фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақнинг 30 фоизини чегириб тўлаш;

3. Шаҳар транспортда (таксидан ташқари) бепул юриш;

4. Пенсияга чиқшидан аввал бириктирилган шифохона хизматида фойдаланиш ҳуқуқи.

Мен Улуғ Ватан уруши қатнашчисман. 48 йиллик иш стажига эгаман. 30848 сўм миқдорида пенсия оламан. Шу тўғрими?

А. ТОШНИЁЗОВ,  
Самарқанд вилояти, Пахтачи  
тумани.

лик пенсиясининг 25 фоизи миқдориди қўшимча қўшиб берилади. Пенсиянинг миқдори эса ўртача ойлик иш ҳақига ва иш стажига боғлиқ. Сизга тўланадиган пенсия миқдори масаласида туман ижтимоий таъминот бўлимига ёки вилоят ижтимоий таъминот бошқармасига мурожаат қилишингизни тавсия этамиз.

Амалдаги қонунга асосан Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг асосий миқдор пенсияларига энг кам кекса-

Қурилиш ташкилотидида электр ва газ пайвандчи бўлиб ишлайман. Шу соҳада неча йил ишлаб пенсияга чиқишим мумкин?

Н. ОЧИЛОВ,  
Сирдарё вилояти, Меҳнатобод тумани,

Амалдаги қонунга кўра, йилу 6 ой мазкур ишда электр ва газ пайвандчилар — эркаклар — умумий иш стажлари камида 25 йил бўлиб, шундан камида 12

банд бўлиб 55 ёшга етганларида имтиёзли равишда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

1981 йилдан буюн 2 гуруҳ меҳнат ногирони-ман. 1983 йилда ВТЭК ҳулосасига асосан «Запорожец» автомашинасини нақд пулга сотиб олган эдим. Муддати тугаб, алмаштириш учун навбатда турган эдим. Энди қандай нархда олишим мумкин?

Маиший хизматлардан (электр энергия, газ, сув) имтиёзли равишда фойдаланишим мумкинми?

Р. МУРАТОВ,  
Хоразм вилояти, Ҳазорасп  
тумани.

Украина Республикасидан «Запорожец» автомашинаси келтирилиши тўхтатиб қўйилганлиги сабабли ҳозирча Сизни автомашина билан таъминлаш имконияти йўқ. Республикада автомашина ишлаб чиқарадиган завод қурилмоқда. Шу завод ишга

тушгандан сўнг Сиз каби ногиронларни автомашина билан таъминлаш имконияти яратилса ажаб эмас.

Меҳнат ногиронлари маиший хизматлардан (электр энергияси, газ, сув) имтиёзли равишда фойдаланиши қонунда кўзда тутилмаган.

1926 йилда туғилганман. Ҳужжатларимда туғилган йилим ҳар хил кўрсатилгани учун ёшимни аниқлаш тўғрисида Дехқонобод тумани ҳокимияти ҳузуридаги ёшни тиклаш комиссиясига мурожаат қилдим. Улар туғилган йилимни ўзгартириб беришни рад этдилар ва судга мурожаат қилишни тавсия қилди. Суд ҳайъати мени 1926 йилда туғилган, деб қарор чиқарди. Шу қарорни ижтимоий таъминот бўлимига топширдим. Улар қарорни инобатга олмай менга пенсия тайинлашни рад қилишмоқда.

Ш. РАЖАБОВ,  
Қашқадарё вилояти, Дехқонобод тумани,  
Бешқўтон қишлоғи.

Ёшни аниқлаш масаласи судларнинг ваколатига кирмайди. Ёшни тиклаш масаласини фақатгина ҳокимият ҳу-

зуридаги ёшни аниқлаш комиссияси кўриб чиқиб ҳал қилиши мумкин.

1990 йилдан буюн пенсионерман. Турмуш ўртоғим 1992 йилдан 1 гуруҳ меҳнат ногирони. 1977 йилда туғилган 16 ёшли боламга йилнинг ҳар чорагида бериладиган кийим-кечак пули тўланадими? У 9-синфни битириб ҳозирги пайтда ўқимади ва ишга ҳам киргани йўқ.

Д. РАҲИМҚУЛОВА,  
Андижон вилояти, Марҳамат  
тумани, Бобур номидаги  
жамоа хўжалиги.

Болаларга аталган маҳсулотнинг нархи ошиши муносабати билан 1991 йил 1 апрелдан буюн болаларга 18 ёшга тўлгунча ҳар чоракда кийим-кечак учун мақсадли тўлов ўғлингиз ўқиш ва ишлашдан катъий назар тўланади. Бу масалада туман ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилишингизга маънафат берамиз.

● САҲИФАНИ МУҲБИРЛАР БИЛАН ИШЛАШ  
БЎЛИМИ ТАЙЁРЛАДИ.



БУ АЕЛНИ болагимдан биламан. Йиллар уни анча чўктириб қўйибди, қўлида асо. Ҳали бизлар ёш эдик, «қизил изтопарлар» сафида урушда бедарак кетган ҳамқишлоқлар ҳақида хотиралар тўплардик. Ушанда Баҳри опа кўз ёшлари селдай тошиб турмуш ўртоғи — Бозорбой ака ҳақида гапириб берганди ва «лўлилар яқинда ром очди, болам, худо хоҳласа шу тоғдан оқ от миниб болаларимнинг отаси кириб келади», деганди... Кўнгил-кўнгилда, лўлининг авраганига-да ишонган, умид қилган бева ўйлари... Йўқ, оқ от минган тақдирдоши мана 80 йилки йўқламайди... Тирик бўлса, қутлуғ ёшдадир. Онахон 19 ёшида ўғли Эркин ва уч ойлик ҳомиласи (қизи Меҳриниса) билан эридан айрилиб қолаверди. Уруш тугаса, келар деб умид билан яшай-яшай қўлига асо тутди. Икки болани ўстиргунча эҳ-е, не азиятни чекмади, бевалик ошини ичган билади-да уни... Онахон ўғил-қизидан умр бўйи миннатдор. Эркиннинг ўн нафар боласи, Меҳринисанинг ўн тўртта ўғил-қизи бор. Худога шукри, олди-кейти тўла неварачевара. Шуларнинг тўю томошасини кўрса суйинганидан йўғлайди, ахир ётсиқдоши ёлғиз ўғлини-да биларди... Қизини кўролмади, бу неварачеварани, келин-куёвларни кўрса борми?..

Меҳриниса ая онасини еру кўкка ишонмайди. Ахир унинг онаизоридай ҳокисору покдомон аёл зоти борми-кан? Эсини танибдики онаси «Меҳрижон» деб парвона. Беш келин уч куёвга қайнона бўлибдиямки, ҳамон онасига эрка қиз «Меҳрижон».

— Онам — дунёни суяб турган устунимга ўхшайди, — дейди Меҳриниса ая чўқур ҳўрсиниб. — Мана ўн тўрт жонни яратдигу она қадри, ота қадри нелигини обдон билдик. Егани ош бўлсаям тошдай чайнаган, кийсаям очилиб-сочилмаган, онажонимнинг яримта кўнглини қандай овласам, дейман. Акам ҳам, мен ҳам тўй-ҳа-

У кўп йиллар ёшларга математика сирларини ўргатди, муносиб шоғирлар тарбиялади. Бугунги кунда у «Қизил чорвадор» чорвачилик ширкатининг 1-бўлимида бошқарувчи. Элнинг дардига, қувончу ташвишига шерик. Хонадонда тарбия топган 14 нафар фарзанднинг юриш-турушига ҳаваси келмаган ҳамқишлоқнинг ўзи

Меҳнат қилган роҳат кўради, деганларидек, бу оиланинг топган-туганига Ҳизр назар солгандек, файзли, баракали. Болалар меҳнати билан қурилган иссиқхонада лимонлар қишин-ёзин пишиб ётади. Сабзи, пиёз, картошка, ош кўк, гўшт ўзларидан чиқади.

Ҳовлида ёз бўйи гуллар очилиб туради. Ҳамма ёқ саранжом-сарийшта, ҳовлида икки келин қайнона-қайнота билан бирга яшади. Оилада чорвага алоҳида меҳр билан қаралади: мол-хол, паррандага «Сен қара, мен қара» дейилмайди, ҳамма вақтига кўра ем-ҳашак, сув тутиб кетаверади.

— Меҳриниса билан 20 йилги қадрдон кўшнимиз, — дейди ён қўшни Гулжамол ая. — Шу пайтгача бирор марта уруш-жанжал овозини эшитмадик. «Ўн тўрт болага қандай овқат етказди?» деб биздан суриштирувчилар кўп эди. Барака — кўпчилиқда деганлари рост. Мана, вақтида болани ўстиргунча қийналса, бугун иззатда, роҳатда. Ҳар нухада либос кияди, болаларининг шукрини қилиб. Қўшнисига ҳаваси келганлар озми? Ишқилиб, роҳатини кўрсин. Яхши одамнинг боласиям яхши-да...

Ҳа, зоминлик ҳамқишлоқлар ўн тўрт фарзандни тарбиялаб, эл қаторига қўшган Ҳамроқуловлар хонадонига, қайнона-қайнотага меҳру оқибатни Меҳриниса аядан ўрганишади. Зеро, оддий қишлоқ аёлининг юртига, тупроғига чексиз муҳаббат ўз оиласига бўлган оналик саховати, садоқати билан ўлчанади.

Норинисо ҚОСИМОВА

## ТҲЙЛАР ЙИЛИ БҲЛАЯПТИ

БУ йил андижонликлар учун тўйлар йили деса ҳам бўлади. Қай гўшага борманг, бирор тадбирнинг устидан чиқасиз, Мустақиллигимизнинг икки йиллик тантаналари сурури кетмасданоқ ҳазрати Бобур-Мирзонинг 510, Нодирабегимнинг 200 йиллик тўйлари учун тайёргарлик бошланиб кетди. Завод ва фабрикаларда, ўқув юртларида, маданият саройларида газалхонлик кечалари, илмий амалхон анжуманлар ўтапти. Вилоят ўлкашунослик музейида ўтган кечанинг иштирокчилари ҳам муаллимлар, ҳам ўқувчилар, ҳам талабалар, ҳам шоиру шуаролар бўлди. Бу ерда Нодирабегимнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида музейнинг катта илмий ходими маъруза қилган бўлса, шоира Замира Рўзиева, ёзувчи Раҳбархон Файзибоевалар Нодирабегимга бағишланган бадиалар, шеър ва муҳаммасларини ўқидилар. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси муовини Шаҳзодаҳон Ҳолмирзаева шоиранинг табаррук тўйи муносабати билан олиб борилаётган ишлар, хайрли тадбирлар ҳақида сўзлади. Шаҳардаги 29-ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчилари эса маҳаллий драматург Низомжон Умаровнинг Моҳларойимга бағишланган асаридан сахна кўриниш ижро этдилар.

Вилоят тадбиркорлари мустақил касба уюшмаси раиси, хунарманд Пўлатхон Турсунова ҳам кечада иштирок этиб, вилоятдаги йўрмадўз, каштачи ва мусаввирлар билан ҳамкорликда Президент Ислоҳ Каримовга унинг суврати туширилган санъат асарини байрам муносабати билан юрганликлари, Президентдан миннатдорчилик мактуби билан эсдалик совғаси келганлигини гапириб берди. Ва совға қилган гилам, мактуб, бир неча сувратларни мамуният билан халқ мулки сифатида музейга топширди.

Замира ХҲЖАМБЕРДИЕВА.

## ЎН ТҲРТ ЖОННИ ЯРАТГАН ОНА

шамда онамга бошдан оёқ сарупо кийгизамиз, ҳам отамсиз ҳам онамсиз деб ардоқлаймиз, лекин... Онамнинг юрагида 50 йилдан зиёдрок яшаб келаётган отамга бўлган илинжининг иложи йўқ. Ота дийдорига бир мартагина етолмаганим — армон. Отам қиёфасини тасаввуримга сиғдирилмаслигим — армон. Шукр, бир этак бола-чақа ҳовлини тўлдириб юрибди, ҳеч кимдан кам жойимиз йўқ. Ишқилиб, юртимиз тинч бўлсин, ота-оналарга инсоф бериб боласига бош бўлсин...

Меҳриниса аянинг гаплари шунчалар самимий, дидкаш-ки, ниҳояси йўқдай. Оила бошлиғи — Мирзали Ҳамроқуловнинг асл касби ўқитувчилик.

Йўқ. Ҳаммалари меҳнатсевар, одоб-ахлоқли. Саккиз ўғилнинг беш нафари уйланди, бола-чақали бўлишган. Ҳар қайсиси ўз меҳнати билан уй-жой қурган, ота-она изми билан иш юритишади. Ашурали, Асқарали, Мухтор, Сарвар, Анвар бугун ўз оиласига ота бўлса, Шухрат, Шавкат, Қаҳрамон куёв бўлиш арафасида. Ҳаммалари хўжалиқдаги деҳқончиликка ихлос қўйишган. Матлуба, Манзура, Мақсуда келин бўлиб тушган хонадонларнинг файз-баракаси бор, иболо-ҳаёли, чинакам қишлоқ келинлари. Маҳбуба, Марҳабо, Фариди эса оналарига, келинларига дастёр. Ўзлари кун бўйи дала меҳнатини қилишса-да, рўзгор юмушларидан четда туришмайди.

Е раб! Бу не кўргилик, не гуноҳи бор бу норасида гўдакларнинг?

Бу кошона уларга чикора. Ҳатто ётган каравотлари олтиндан, тўшаклари паркудан бўлса ҳам бевафо, бешафкат онажонининг қайнок бағричаллик бўлмас, ҳавзи кавсар суви бўлганда ҳам онанинг бир томчи сутичалик татимас!

...4—5 ёшлардаги бола келиб, эркаланди. Чехраси жиддий, кўзларини изтироб, қалбида туғён ураётган алами шундоқкина сезилиб турибди.

— Амакижон биласизми, мени жуда-жуда ўлгим келади.

— Нега ўлгинг келади? Эндигина яшай бошладинг-ку, бу нима деганинг, полвон?

— Йў-ў-к! — чўзиб дейди у, — нега ўлгим келишини айттайми? Бировга айтмайсиз-а, одам ўлаётганида ойисини кўраркан, мен ҳам тезроқ ўлсам ойини бир кўрсам дейман. Ойимлани жуда-жуда соғинаман.

Уни маҳкам бағримга босдим, кўзларим жикка ёшга тўлди. «Сен ҳали катта йигит бўласан, онангни албатта кўрасан, кўп нарсаларни тушунасан, болажон!» Ўйлаганимни айта олмадим, унинг бошини силашгагина кучим етди, холос.

— Амакижон нега йўғлайсиз, нима, сизниям онанғиз ташлаб кетганмила?

— Йўқ, болажоним, — дейман унга. — Мен ҳам ойимлани эслолмайман. Ҳатто суратлари ҳам қолмаган.

Қандай қилиб айтай унга, гарчи ёшим бир жойга бориб қолган бўлса, жон бериш чоғида онажонимнинг дийдорини кўргим келишини қандай айтай?

Хўш, нима учун ташландиқ болалар сони кўпайиб бормоқда? Бунинг сабаби нимада? Ҳаммага маълумки, ташлаб кетилган болалар энгилтаклик, нафс қурбонлари, бениқош турилган фарзандини бокишдан ор қилганлар, бемехр ота ва оналар гуноҳларининг меваларидир.

Эй, ноқобил она! Дунёдаги бутун инсоният меҳрини, ғамғузорлигини йўғиб шу болага берганда ҳам сенинг бир қатра меҳринг чашмаси, бир томчи сутингчалик, бир оғиз ширин сўзинггу, бир марта эркалаб, бағрингга босганингчалик бўлармикан?!

Дунёда ҳеч нарса она меҳрини босолмайди.

Эй она! Дийдор кўришмоқни қиёматга қолдирма, зеро бу гуноҳинг учун бир кун келиб газабга учрашингни, сўнгни пушаймон ўрнини ҳеч нарса билан тўлдирма ололмаслигингни унутма!

Марҳамат Ҳожи СОҲИБЖОН ўғли.

*Дунёдаги  
қолди дийдор  
кўришмоқ*

«ОНАЖОН андак тўхтанг! Тўккиз ой қалбингиз тўридан жой бериб энди ташлаб кетасизми? Наҳотки, шунчалар меҳрингиз тош бўлса? Ахир, мен жигарпорангиз, сизнинг мўъжизангизман-ку! Нега энди ёруғ жаҳон юзини кўрганымда, хоки-заминни кучганимда мени кераксиз тошдек отасиз? Отишга отдингизу, нега энди девор ортига ўтиб, титраб-қакшаб йўғлайсиз. Ёки менинг чинқиригим юрагингизга тег бўлиб санчиляптими?»

Овозимни эшитмаслик учун кулоқларингизни беркигиб олдингиз. Лекин хаёлларингиз ҳали уйғоқ. Шу бонс мендан гоҳ узоклашмоқчи, гоҳ қайтиб келиб, ахлатхонадан олиб, бағрингизга босмоқчи бўласиз. Қандайдир кўркув, хадиқ ва даҳшат йўлингизга гов бўлиб, кўкрагингиздан итаради. Шамолда чирпарак учган ҳазон янглиғ яна девор орқасига қочиб бекинаси. Онажоним, ниҳоят шармандалиқ олдида, таслим бўлдингиз? Мен бор вужудим билан қакшаб, чинқирдим. Эшитмадингиз, ташлаб кетдингиз».

Ҳа, бағри тош, руҳияти бемехр она ой қоронғусида қўлидаги мурғак жигарғушасини ахлатхонанинг бир чеккасига қўйганча қоронғулик қаърида ғойиб бўларкан, у билан бирга бахти, тахти, роҳат-фароғатидан бир йўла ажраганига икроман унсиз фарёд чекарди.

...Қадим замонларда бир туяни сўйган эканлар, қарашса туянинг ўпкасида еттига тешиқ бор эмиш. Ҳамма ҳайратда. Саккизта ҳам эмас, олтига ҳам эмас, роппа-роса еттига. Шунда туя-



— Хурматли Шавкат Иброҳим ўғиллари, республикамиз ҳукумати моддий, маънавий, ҳуқуқий ислохотлар қатори саломатлик ҳақида ҳам каттик қайғуриб, ҳақчил давлатлардан эканлигини намойиш эта бошлади. Айни пайтда соғлом авлод ҳақидаги асосли ғамхўрликлар ҳаммамизни эзгу ишларга даъват этади. Бу ҳаракатлар айниқса, саломатлик ходимлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Шундай эмасми?

— Республикада ҳаёт ва жамият, соғлом ва баркамол инсон масъулиятини ўзида чуқур акс эттирувчи «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши биринчи навбатда биз тиббиёт ходимларини ўйлатиб кўйди. Негаки, баркамол авлод қайғуси жамиятнинг инсон қадами етган ҳамма манзилларида насл фожияларининг симптомлари шифокор руҳига оғриқ бериб келарди. Оролнинг қуришидан тортиб, ер ости сувларининг кўтарилиши-ю тупроқ таркибининг бузилиши, ичимлик сувлари, дарё ва кўлларимизнинг ифлосланиши, инсон ҳаётидан табиийликни бир қадар суриб чиқаришга эришган кимё ютуқларини егуликлардаги нитрат микдорининг ошиб бориши... бугунги авлоднинг кифёсиди ўзига яраша ўрин эгаллаган.

Авлоднинг соғломлиги масаласи шу қадар чуқурлашиб боради-ки, бутун жамият кўл чўзмай туриб ёлғиз тиббиётнинг ўзи бугунги касалликларни даволайман, деса ожиз қолур. «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши эса жамиятни сиҳат-саломатлик йўлида ёппасига сафарбарликка чорлайди.

Ота-она ва болалар орасида меҳр-муҳаббат, соғлом турмуш, пок маънавий дунё, Ватан тўғриси тиклаш, баркамолликка эришмоқ зарурати юкланади жамият зиммасига.

Табиб халқи беморнинг соғая боришини ва соғлом одамларни кўрган да руҳан юксалади, соғлом одамлардан қувват олади. Соғлом вужуд соғлом маънавият билан бирлаша, бебаҳо бойлик хазинага айланади. Хазина асл маъноси билан давлат ва халқ бойлигидир.

— Моддиончилик устунлигини инқор қилолмаймиз. Лекин бугунда руҳий олам, руҳият мавзуси кўпроқ диққатни тортяпти. Шу маънода таъбир жоиз бўлса, тошбағир врачларимизнинг соғлом авлод ҳусусидаги қарашлари ва амалиётида бурилиш бўлармикан?

— Нимага ишора қилаётганингиз тушунарли. Табиб ўз вазифасини зиммасига юклатилган маънавий бурч, деб тушунмагунча, у хоҳ оддий врач, хоҳ профессор бўлсин (надоматларки бизда қуруқ номлар ва оқ халатлар остида лоқайд қалблар йўқ эмас) табиатнинг олий мўъжизаси — инсон аъзолари фаолият механизми қаршида ҳайратланмагунча у табиблик мақомига эриша олмайди. Масалан, инсон ўз ички аъзоси — жигарини ҳеч қачон кўрмай, унинг нақадар олийжаноб вазифаси борлигини билмай туриб ҳам боласини жигарим, юракбағрим деб суяди. Яқин кишидан ажралганда жигарим, деб фарёд чекиб, дунёни ларзага солади. Жисми-миз ўз фаолиятига кўра жон ва руҳимизга ана шундай кўринмас оқибат иплари билан узвий боғланган.

Агар кўзга кўринмас иплари руҳ олами сирларига мурожаат қиладиган бўлсак, инсон вужуди, руҳи, жон тушунчаларидаги узвийликни тан олмай иложи йўқ. Демак, бу туйғу инсон вужудига жону сут билан кириб, руҳда камолотга етган. Демак, бу туйғу илмий тиббиёт қаршида қадим дунё каби мўйсафид ва нуронийдир. Беморнинг руҳий дунёсига киролмаган табиб унинг жисмидаги оғриқни даволайман деса овора бўлади. Шунингдек, бугунги илмий тиббиёт халқ табобати ютуқлари моҳияти ва она сути хосиятини кечириб бўлмас даражада кечикиб аглади. Холбуки, она сути, она кадри, она ва бола меҳри ҳақида инсоният тарихи нақадар гўзал ҳикмату ривоятлар, қахрамонлик киссаларини дунёга келтирган. Лекин бизнинг собиқ советча тиббиётимиз эса она сути инсоннинг меҳр оқибат пой-

девори эканлиги билан ҳисоблашмади. Бу ҳол руҳий оламни тан олмаслик натижаси эди. Чақалоқ дунёга келар келмас тўққиз ойу тўққиз кун ватан тутган жойи — она тани билан гўдак орасига метин деворлар тиклаб уни халққа юксак санитария маданияти ва саломатлик асоси деб тушунтирдик. (Холбуки момоларимиз чақалоқ туғилган заҳоти йўргаклаб онанинг ўнг томонига ётқизган. Исириқлар тутатиб, асраб-авайлаб ҳар иккала вужудни етарли ҳароратда сақлай олишган). Онанинг нигоҳи чақалоғига тушиши билан уйғонадиган сут безлари, меҳр сезгиси уйғонади... Ҳатто ҳайвон ҳам туғилган заҳоти боласини яламаса кейинчалик эмизиш кийин-ку ахир.

Кейин эса ёппасига «шиша оналар»га ўтдик. Шиша цехлари тармоқлари кенгайди. Чақалоқнинг ўсиши учун сут бўлса бўлди, дедик. Сут билан сутнинг фарқини-ку кўяверинг, ахир сув билан сув орасида қанчалик катта фарқ ётибди. Арик суви, чашма суви, дарё суви, қудук суви, минерал сув...

## ВАТАН ҚУДРАТИ САЛОМАТЛИКДА

*Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги, тиббиёт фанлари доктори, Шавкат Қаримов билан соғлом авлод ҳусусида жамоатчи муҳбиримиз суҳбати.*

— Бу ҳол албатта вазирлик олдида жиддий вазифалар кўяди...

— Албатта вазифа шуки, чақалоқ она сутини эмиб ўссин. Ватан туйғусини она вужудига кашф этган инсон зурриёти ерга қадами текканда туғилиб-ўсган жойини ҳам она-Ватан деб аташи бежиз бўлмас керак. Балки, инсон она вужудидан ватан номли маънавий дарахт кўчатини ўзида олиб, киндик қони тўқилган жойга эҳар ва бир умр шу манзил унинг ватанига айланар. Отамизни онамиздан кам севмасакда, оталар ҳаётда ва онада етакчи куч бўлсаларда, жаъми мамлакатларнинг подшолари оталар бўлсаларда, инсон жон кечиб, химоя қиладиган юртини она-ватан деб аташида нақадар соддалигу, нақадар буюклик намоён.

Бунинг сирини нимада? Она сутиди! Демак, она сутини эммаган инсоннинг ватани нақадар қашшоқ ва кўримсиз. Она сутисиз ўсган инсон меҳрсиз бўлса ажабланиш керак эмас. Шунинг учун ҳам боболаримиз, момоларимиз, мабодо чақалоқ она сутисиз қолгудек бўлса уни яхши бирон онага элтиб эмиздиришган. Аёлни ўз онласининг онахони каби эъзозлашган. Уни эмган бола эса аёлнинг болалари билан эмикдош, жигар, туғишган ҳисобланган. Шариат ака-сингил ҳукмидаги бундай эмикдошларга никоҳни ҳаром қилган. Демак, шарият қонунлари инсон соғлиги, насл тозаллигига асосланган. Ота-онани мутлақо бегона бола она сути орқали бошқа бир онада иззат топиб, келажакда туккан ва эмизган она ҳузурда бирдек бурчли ҳисобланган.

Бунчалик эзгуликларни қандай яратди экан бу халқ, ўзи яратган олийжаноблик қасрларининг бузилишига қандай йўл кўйди экан бу халқ, дейману тиб аҳли елкасидаги масъулият залворини янада чуқурроқ ҳис қиламан.

— Демак, ўз ўзидан маълумки она соғлигини биринчи даражали иш деб қарашга тўғри келяпти. Бу ҳам ўз навбатида қатор муаммоларни туғдиради...

— Бу табиий. Оналарнинг оналик бурчи ва жамиятдаги ўрни алоҳида мавзу. Тўғриси, оналаримизни онада, ишда, кўча-кўйда ўрналаштириб қўйдик, унинг боласига бўлган улғу меҳрин бозор-ўчалару, ишлаб чиқариш воситалари узра сочиб юбордикда, яна бу холини қахрамонлик, деб атадик. Бизда кўча супурувчиларнинг тўқсон фоизи аёллар. Эй, инсонлар, оналар қўлларидан супургиларни олайлик, уларнинг қадок қўллари гўдакларнинг ниҳак сочларини силасин.

Она сутиди бор бўлган моддалар ҳеч бир ҳайвон сутиди йўқ. Аввал-

роқ айтганимдек она сути инсон маънавиятининг пойдевори. Болага она сути орқали онанинг бор яхши-ёмон сифатлари ўтади. Ҳайвон сути вужудни шакллантиради холос. Руҳ эса ўзининг она сутига жо бўлган бебаҳо ва ажойиб мураббийдан маҳрум қолади.

Энди биз соғлом авлод учун сув билан ҳаводек ҳаётини эҳтиёжга бир кадам яқинлашдик. Бу — аввало она соғлиги, бу — киз болаларимиз, яъни бўлажак оналаримизнинг руҳий, маънавий, жисмоний камолоти. Демак, она-Ватанинг қудрати.

Ҳар бир яхши ният амалга ошмоғининг ўз шарт-шароитлари бор. Врачлар сонини кўпайтириш, кискаси, ҳар бир болага биттадан поликлиника очганда ҳам авлод соғлом бўлиб қолмайди, аввало ўзи соғлом туғилмаган бўлса.

Республика тиббиёт вазирлиги бу борада ўз дастурини ишлаб чиқиб, икки йилки ана шу асосда иш олиб бораёпти.

Оналарни тиббий кўриқдан ўтказиб

уч гуруҳда рўйхатга олдик.

1. Соғлом оналар — улар вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтиб турадилар, қанча фарзанд кўришлари ўзларига ҳавола.

2. Қасалманд (гепатит билан оғриган, ўлкаси, жигари қасал) оналар врач назоратида бўлиб, соғаймагунларича туғишга руҳсат этилмайди.

3. Сурункали қасалманд оналар учун туғиш хавфли. Уларнинг соғлиги доимий назоратда бўлади.

Тадбирнинг оз бўлсада яхши томони шу бўлдики, учинчи гуруҳдаги аёллар орасида ўлим 40 фоизга қамайди. Бу ерда гап туғилмаслиги лозим бўлган битта бола ҳақида кетаётгани йўқ, балки соғлигига кўра туғиши мумкин бўлмаган она ва унинг етим қолиш хавфи бўлган беш-олти фарзанд тақдирини, қолаверса, бутун умри қасалхонада ўтадиган қасалманд она тақдирини, соғлом жамият ва баркамол инсонни дунёга келтириш ҳақида кетяпти.

Туғиш ёшидаги аёлларнинг 67 фоизи камқонлик билан ҳисобга олинган. Нуксонли зурриётларни дунёга келтириб қўйиб, кейин уларни меҳр-шафқат уйларида элтиб ташлаш ёки бир умр азобланиб яшашда кўра маълум вақт туғишдан сақланиб, ўзини тиклаб олгач фарзанд кўргани маъқул эмасми?

Иктисодий вазият иктисодчилар, ер эгалари, жамоалар, хонадонлар олдида вазифалар кўяди. Мевали боғларимизни кўпайтирайлик, сабзавот ва поллизга кенг ўрин берайлик. Киш учун мева ва сабзавот консервалари тайёрлашни йўлга қўяйлик. Мевалар сақланадиган замонавий омборлар қурайлик. Сут-қатигимиз, қовун-тарвузимиз, олма-анорларимиз қуруқ меваларимиз... тоза сувлару озода турмуш саломатлигимизнинг жон томирига қувват берувчи манбалардир.

— Мухтарам вазир, сиз айтётган гаплардан ҳаяжонланмай бўлмайди. Аммо, чарчаган жисми-жонимиз учун бу узок келажакка ўхшайди. Игна билан қудук қазимок каби қийин туолади. Танқислик, етар-етмаслик, бетоблик... дегандек.

— Мен шахсан бу қунарли меҳрга, эрққа синов деган бўлардим. Нима бўлганда ҳам биз бу иктисодий қийин босқичлардан ўтишимиз шарт. Бу қасалнинг тузалиш даврига ўхшайди. Ахир қасалманд насл буюклар етказиб беришга қодир эмас. Неча йиллар бузилган мухитни, сувни, ҳавонини, наслини даволаш керак. Қасалманд авлод дегани, айрим кишилар, тушунганларидек фақат лоқайд врачнинг хатоси эмас. Лоқайд врачнинг хатоси врач тили билан айтадиган бўлсак, бузилган мухитда дард устига чипқондан ҳам баттарокдир.

Авлод баркамоллиги йўлида она

ва болага шу пайтгача мисли кўрилмаган эътибор зарур. Бола камида 1,5—2 ёшгача кўкрак сутини эмиб, ўсмоғи керак. Она сутининг моҳияти ёш оналарга тушунтирилмоғи керакки, у бўлажак фарзанднинг тақдирини ҳақида ўйлаб ўзини тўғри парвариш қилишни ўргансин. Бола муҳаббатини ҳис қилиб жисми ва руҳи жунбушга келсин. Меҳри ийиб, юраклари энтиқиб, сут безлари уйғонсин. Она дунё неъматларининг энг улғуи, илохий бахт фарзанд эканини ҳис этсин.

Бунинг учун оналар асабларини эғовламайдиган соҳаларда хизмат қилиши, онада ва жамиятда ҳурмати сақланиши, турмуш ўртоғи томонидан қадрланиши лозим.

— Англашимча бир жиддий таклиф киритмоқчиға ўхшайсиз?

— Оналаримиз рўзғор юки туфайли амаллаб ишга чиқиб кетишга мажбур бўлмасин дейман. Ишдаги, онадаги оромсизликлардан унинг тинкалари қуримасин. Тажрибалар шуни тасдиқлайдики, камида 3 ёшгача она бағрида эркин ва хушхол кечмаган гўдаклик соғлом болаликка замин яратмайди. Шунинг учун оналарга 3 йилгача пулли отпускарлар бериш, тўрт-бешта фарзандига боғланиб қолган онанинг (болалар билан кечган вақти яъни) уйдаги хизматини расмий иш стажига ҳисоблаб, унга ўртача ойлик маош белгилаш (бирданига бўлмасида) халқпарвар ҳуқуқматимизнинг навбатдаги олийжаноб ишларидан бўлажакга шубҳа йўқ.

Демак, она ва жамиятда оталар суяниб қолган «тенг ҳуқуқлилиқ» ёрлиғи мазмуни ўзгартирилиб оталарнинг моддий, ахлоқий, маънавий жиҳатдан масъуллиги қонуний белгилаб қўйилиши, эр-хотин ажрашган тақдирда ҳам она ва бола бошпанасиз қолмаслиги лозим.

Ўз-ўзидан маълумки, она ва бола муаммолари қонунларимизнинг оила, эр-хотин, она-бола, маориф ва маданият, боғча-ясил, қишлоқ хўжалиги ҳамда саноят каби кўпгина боб моддаларига маълум таҳрирлар киритишни тақозо қилади.

Тиббий нуқтан назардан кафолат бериб айта оламани, ясилларни мутлақо тугатиш зарур. Олиб ташлайлик онаю бола орасидаги метин деворларини. Онанинг ишлаб чиқаришда етказадиган фойдаси боланинг она меҳридан йироқлиги етказадиган маънавий зарари қаршида уммондан томчи қабидир. Битта томчини фойда билан меҳр уммонидан бебаҳра қолмайлик. Маънавий носоғломликдан униб чиққан меҳрсизликдан ҳам ёвузроқ душман йўқ жамият учун. Жамиятдаги ўпирилиш, инқирозлар, ўғирликлар, бузукликлар, турли-туман ёвуз қасалликлар, қарилар уйлари-ю етимхоналарнинг йил-йилдан ортиб бориши маънавий қашшоқликнинг аччиқ меваси эмасми?

— Сизга кўпчиликини қизиқтириб келатган яна бир савол. Экстра-сенсларга муносабатингиз қайдай? Уларнинг халқ соғлиғида фойдаси сезиляптими?

— Шахсий ўзим ноёб қобилиятли кишилар борлигини тан оламан. Лекин бугунги экстрасенсликни фирибгарлик ниқобидаги нафс эҳтиёжига хизмат қилдиришяпти, десам ҳам хато қилмайман. Минг йиллик тарихга эга халқ табобати, руҳий давони фирибгарлик билан аралаштирмаклик керак! Биоқувват, биомайдон маълум миқдорда борлиқдаги ҳар бир тирик жонда мавжуд. Бу дегани алахлаб туш кўрган-у қўлида ҳарорат сезган киши башоратчи-ю экстрасенс бўлиб қолади, энди у беморларни даволаш керак дегани эмас! Бизда инсоннинг биоқувватини ўлчайдиган асбоблар бор, талабгорлар бўлса келсин, текширтирсин. Агар қобилияти бўлса бажонидил тегишли жойларда беморларни қабул қилсин.

Бугунги қийин шароитда соғлом авлод йўлида қўйилган ҳар бир қутлуг қадам мухтарам президентимиз таъкидлаганларидек, эртаси порлоқ кучли ва қудратли мамлакат истикболи йўлида қўйилган қадамдир. Зеро, оналар ва болалари соғлом мамлакат — кучли мамлакатдир.

Суҳбатдош: Раъно РАҲМОН кизи.



Америка Қўшма Штатларида нашр этиладиган «Новая русская слова» газетасида Владимир Пильнякнинг мақоласида республикамиз Президенти Ислому Абдуганиевич Каримов олиб бораётган сиёсатга ҳолисанулло баҳо берилди. Хатто, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти беқарорлик давом этаётган

кўпгина давлат раҳбарларини унинг тажрибаси билан таништирса ёмон бўлмас эди, деб, таъкидлайди. Дарҳақиқат, Ўзбекистонимиздаги барқарорлик бизнинг бахтимиз бўлди.

Бир кун жанжал чиққан уйда қирқ кун барака кетади, дейди халқимиз. Шунинг учун эндигина оёққа тураётган оиламиз учун тинчлик сувдек, ҳаводек зарур ҳозир. Яқинда мустақиллигимизнинг икки йиллигини нишонладик. Шу ўтган қисқа муддат ичида шодлигимизга шодлик қўшадиغان ҳодисалар тўлиб-тошди десак янглишмаймиз. Биргина санъатимизга қилинаётган ғамхўрликни тилга олайлик. Санъаткорларнинг аҳволини яхшилаш борасидаги тадбирлар эълон қилинди. Энг муҳими ўз театримизда илгаригидай ижодий жараён қилиб кетди. Буни айтишдан мақсад

Тожикистондаги хунук воқеалар ўз санъаткорларига нақадар ёмон таъсир этганини кўрдик. Хўжанд вилояти давлат театрида кўп йиллардан бери хизмат қилаётган Тожикистон халқ артисткаси Сайрам Исаеванинг юбилей кечаси борарди.

## ТИНЧЛИК — БАХТИМИЗ

Сайрам Исаева ўзининг ўзбек киносига яратган машҳур образлари Нодирабегим ва Майсарахоним қиёфаси билан машҳурдир. Шунинг учун икки қўшни республика санъаткорлари мазкур тантанани иштирок этиб, ўртамиздаги ижодий ҳамкорлик сабаб дўстона суҳбат қилиди. Бу дўстлик буюк Навоий билан Жомий ўрталаридаги дўстликнинг тимсоли бўлиб, акс этди. Тантананада сўзга чиққан тожик қардошлар Ўзбекистонда тинчликнинг барқарорлиги ва айниқса бу борада Президент Ислому Каримовнинг олиб бораётган сиёсатини қайта-қайта мамнуният билан тилга олишди. Юбилей Сайрам Исаева ўзининг яқунловчи сўзида ҳам Тожикистондаги саросималар давом этаётган бир пайтда ёрдам қўлини чўзгани учун у кишига дилдан

ташаққурини билдирди. Тожикистон театр ходимлари уюшмасининг раиси, Тожикистон халқ артисти Ота Муҳаммаджонов юбилей кечадан сўнг Тожикистонда бўлган ноҳуш воқеалар санъаткорларга қанчалик ёмон таъсир кўрсатганини,

Абул Қосим Лоҳутий номидаги академик театрга исёнкорларнинг ваҳшийларча бостириб кирганлигини, томошабинларни залдан қувиб чиқариб, театрни ёпишни талаб қилганликларини афсус билан сўзлаб берди. Машҳур тожик ҳофизлари Жўрабек Муродов, Жўрабек Набиевлар Хўжанд шаҳрига бориб ижодларини давом эттиришга мажбур бўлганлар. Шу ва шунга ўхшаш воқеалардан кейин бизнинг юртимизда тинчлик қарор топганлигидан бениҳоя мамнун бўласан киши.

Туркия сафарида бўлганимизда президентимизнинг ниҳоятда камтарин ва одамларга ғамхўр, меҳрибонона фазилатлари билан ошно бўлдим.

Бир замонлар Уморийлар саройи деб аталган машҳур кошона эндиликда Туркияда энг катта музей бўлиб хиз-

мат қилар экан. Ичкари кирганимизда ажойиб бир хоша ичида кимдир тинимсиз тиловат қиларди. Бир томони қалин ойнаванд хона ичида Муҳаммад пайгамбаримизнинг кийган либослари-ю соч толлари сақланган икки сандиқ турибди. Енида кеча ва кундуз қорилар навбатманавбат Қуръондан тиловат келтиришар эканлар. Бу ерга ҳар ким қадам ранжида қилолмас экан. Аммо Президентимиз — ҳурматли Тургут Ўзол бошлиқ бизга зиёратга рухсат этилди.

Сандиқлар очилди. Қатқат ўралган ёнгичлар ичидан Пайгамбаримизнинг ошноқ либосларини кўрдик. Ҳаммамиз тиз чўкиб, пайгамбаримиз руҳи олдида таъзим бажо қилган бўлдик. Хулоса, қилиб айтганда ушбу сатрлар бошида эслганимиз Владимир Пильнякнинг мақоласида Ўзбекистон ҳаётини тасвирлаб Президент Ислому Каримовнинг олиб бораётган сиёсатидан мамнунлигини алоҳида таъкидлаганлиги бежиз эмаслигига яна бир қарра амин бўлдим. Шу билан бирга мақола муаллифи Ислому Абдуганиевични жаҳонда халқаро тинчлик барқарорлигини таъминлашга қўшаётган улкан ҳиссасини тақдирлаш мақсадида Нобель мукофоти лауреатлигига тавсия қилиш борасидаги таклифини ҳам республикамиз халқларининг орзунияти, деб биламан.

Зикр  
МУҲАММАДЖОНОВ.

ЕШИМ эликни элагидан ўтганига анча бўлса-да, ҳамон эртақ, дoston, афсоналар жони-дилим.

Шуни ўйлаб ўтирганимизда хаёл тулпорининг жилови қўлимдан чиқиб, қочди. Олис-олислардан ганиш овозни эшитаётгандай бўламан, овоз эгасининг ўзи эса кўзга кўринмайди. Тулпор устидаги ҳақиқат эгарининг ко-

дан кутуламиз?

— Бундан беш — олти йил муқаддам Ўткир Хошимов дилини ўртаётган ғам-аламини «Тошкент ҳақиқати» газетасида нон ҳақидаги мақоласи билан баён қилган эди. Газетхонлар мақолада кўтарилган масалани ўта муҳимлигини айтиб, жавоб ёзишди. Баъзилари газетанда ёритилди. Минг

лар. Астойдил ҳаракат бўлса ҳар гектарида 100 тоннага етказиб ҳосил олаётган америкаликларга етиб олишимиз аниқ.

Шакар масаласида фикрим катъий. Жойларда тезроқ кичик шакар заводлари қурилса, Ўзбекистон шакар билан нафақат ўзини таъминлаб қолмай, қўшни биродарлар билан ҳам баҳам кўриши аниқ. Ўзбекистон шароитида «Обид кетмон»часига ишланса, қанд лавлагидан Украина, Россиядагига нисбатан 4—5 баровар ортик ҳосил олиш мумкин. Исабот керакми ё?

Ўтган йили икки сотих ерда етишган қанд лавлагимнинг ҳар бири 3,5—4 килога тўғри келди. Бу йил бир йиллик тажрибага суяниб, уч сотих ерга қанд лавлаги эдим. Ҳозир олди лавлагини айлана ҳажми 61 сантиметр. Ердан сўғуриб олиб тортишга кўзим қиймади, мўлжалимда 5 килолик тош босса керак-ов. Ҳали орада октябрь — ноябрь бор. Ширалиги кўшни давлатлар етказаятган лавлагидан 1,5—2 баравар ортик бўлса ортикки — кам эмас.

— Юртда кичик заводлар қурилса, кўплаб қанд лавлаги ҳам етиштириш мумкинми?

— Шахсий томоркаларда, фермер далаларида етиштириладиганининг ҳаммаси ўзиники, бу ерда ҳеч нарса хомталаш бўлмайди. Иккинчидан, ерингга ўргатувчилар десант ташланмайди, ишлов берувчи ҳам, агроному селеционер ҳам фақат ўзинг.

Кўккидан кўзим очилди. Қарасам ҳовлимда ёстиқни барримга босиб ўтирибман. Қанча кутмай учқур Тулпор қайтиб келмади. Юз-қўлни ювиб томоркага чикдим. Кечагина қипқизил шарбатга тўлган лавлагиларим барги тонг шабодасида тебраниб, кутиб олди...

Азиз газетхон, муаллиф шахсий фикрини хаёлий суҳбат тариқасида баён қилибди десангиз розиман, фақат фикримга қўшилмасини, шунинг айтишга «Одамлар ҳам қизик, тушда кўрганни газетга ёзибди», дейдиганлар бўлса ҳам ўпкаламайман, фақат тушимни таъбирини айтиб беришса бас...

Абдулазизхон МАХМУДОВ.

# ЎЙЛАРИМ, ЖАЁЛЛАРИМ...

шини ушлаб, учиб борар эканман, овоз берган бакириб савол берган бўлади.

— Сен ўз юртингни келажакга ишонсанми?

— Она сутини оклигига ишонгандай, — дейман унга.

— Нимага?

— Чунки етим-есирлар, мискинларга раҳнамо бўлган нафақа олувчилар ҳурмати ва келажак авлод ҳақида кайғурадиган давлатнинг келажакга буюклиги аниқ.

— Сени ташвишга солаётган масалалар борми?

— Каттик ташвишга солаётган нарсалардан бири зиёсиз зиёлиларни керагидан ортиги. Оқибатда моддий камҳаржларга нисбатан маънавий кашшоқлар кўпдек туюлади менга.

— Нима қилсак ҳозирги мураккаб вазиятдан тезроқ кутуламиз?

— Энг аввало ҳар биримиз ўзимизнинг оиламизда юрт келажакга учун энг масъулиятли шахс деб ҳисобласак ва ўшанга яраша меҳнат қилсак манзилга тезроқ етамиз.

— Бугунги кунда ғалла, шакар, картошка тақчил, нима қилсак уларни олтин баҳосида четдан олиб келиш-

афсуски, айтган гапимиз, ўйлаган ўйимиз билан қилаётган ишимиз қарама-қаршилиги сабабли нонга муносабат ўзгармади, исрофгарчилик давом этаверди.

Ҳозир ҳам нуқул жиғилдоннигина ўйлаётган шахслар эркин бозордан ҳар қилоси полон сўмдан ортик бўлган маккажўхори ёки бугдойни еми ўрнида ишлатиш билан бирга ҳар бухонкаси 45 сўм турадиган нонни ишлатаётди. Бундайларни жиноий жавобгарликка тортиб, бўйинга «Халқ насибасига чанг солган нонқўрлар» деб ёзилган тахтачани осиб қўйиб бозор айлантисанг, сазойи қилсанг. Ҳозирча бундай шахслар жазодан қочиб қутилмоқдалар, лекин худодан, у дунёнинг савол-жавобидан қутилиб бўлмайди. Картошкани асл ватани бўлган Америка китъасини Европаликлардан икки аср илгари башорат қилган ҳазрат ал-Беруний картошка эмасалар ҳам ақлдан шикоят қилмаганлар... Ошқовокдан тайёрланган таом билан қорин тўйгазганлар, шу билан табиий равишда жигар тозаланиб турган.

Чин қўнгилдан йиғласанг сўкир кўздан ёш чиқар, дейди донишманд-

## ТАЛАБАЛАР НИЯТИ

Кўча-кўйда юрганимизда баъзиларнинг ҳаёт қийинчилигидан, нарх-наводан нолишганини эшитаман. Ҳаргал кўнглимга тасалли берман: Ҳой яхшилар, мустақилликни қўлга киритганимизга икки йил бўлди. Турмуш ҳам, нарх-наво ҳам ўз маромига тушиб қолар, гап иттифоқликда, сабр-қаноатда, дейман.

Отам мен туғилган 1943 йили урушга кетган қўйи қайтмаган. Онам бояқши 4 нафар болани вояга етказиб, бирор марта оёқ узатиб ўтирмай яшаган. Мен ҳаётим қанчалик меҳнат билан лим-мо-лим бўлса-да, илм олишга, китобга меҳр қўйгандим.

1961 йили кутубхоначилик фаолиятим бошланди. Техникумда сиртдан илм олиб, шу соҳанинг мутахассиси бўлдим. Қарийб 32 йилдан бери одамлар қалбига китоб меҳрини солишдек шарафли касбда меҳнат қилиб келяман. 25 йилдирки Бўка қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникумида кутубхоначилик қилаётирман.

Бозор иқтисодиёти шароитида китобхон қалбига йўл топа билиш осонмас. Ҳозир кутубхонамиз 27396 та китоб жамғармасига эга. Шундан 19253 таси дарслик адабиётлари бўлиб, талабалар тўла баҳраманд.

Бу йил 31 турдаги журнал, 14 хилдаги газетага ёзилган талабаларимиз янги йил учун бундан кўпроқ турдаги нашрларга обуна бўлиш ниятидалар. Зеро, китоб ақлнинг чирроғидир. Уч нафар фарзандларимнинг бахтли, ўзидан тинчиб, бахтиёр яшашини қанчалар орзуласам, китобхонлар, маънавияти бой йигит-қизлар сафи орта боришини ҳам шу қадар хоҳлайман.

Муҳтарама РАСУЛОВА.

## БОТИР ҲОФИЗ НОМИ БЕРИЛДИ

АЗАЛДАН оқинлар, чавандоз-полвонлар юрти саналиб келинган Чироқчида халқимиз орасидан етишиб чиққан адаблар ва шоирлар, санъаткорларга чуқур ҳурмат кўрсатилади. Яқинда туманинг Дурсун қишлоғидаги янги қурилган тўлиқсиз ўрта мактабга ўзбек ҳофизоти Ботир Зокировнинг номи берилди.

Халқимизнинг маданият, санъат, илм-фан ривожига катта ҳисса қўшган фарзандлари жуда кўп. Аммо уларнинг ҳаммасининг номлари ҳам абадийлаштирилгани йўқ. Ҳозир «Мактабимиз ёки кўчамизга менинг отамнинг номи қўйилиши керак», деб тарафма-тароф бўлиб тортишаётганларни ҳам, афсуски учратиш тураимиз. Назаримда бепоён даштликлар қўйинида жойлашган Дурсун қишлоғи аҳолиси ўлмас ҳофизга билдирилган эъзозлари билан халқнинг юрағида қандай инсонлар яшаб қолажани ва кимлар абадий ҳурматга сазовор эканлигини кўрсатишди.

Муродулла КЕНГБОВ.





## АЖАБ МАЪЮС, АЖАБ МАЪСУМ КҮН БЎЛДИ...

КУЗНИНГ ўша тонги доимгидан бошқачарок отди, гўё. Жуда кўп андижонликлар шу тонгда Чўлпон номидаги давлат хўжалиги худудига жойлашган Хотамжон ака Мирзахўжаев хонадонига ошқидилар. Мезбонларнинг ҳам, меҳмонларнинг ҳам нигоҳлари маъюсгина, аммо калбларида хаяжон... Хаёлларда эса «Мен юртимнинг пок истакли кучиман» деб кўнглини шарҳлаётган Чўлпон. Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўлпон...

Бу бежиз эмас. Оташнафас шоирнинг жияни Хотамжон ака изтироб тўла, ифтихор тўла дил билан хотира ошига чорлаган эли. Шоирнинг номини, исёнкор шеърларини эъзозлаганлар шу қадар кўп эканки, катта ҳам, кичик ҳам, раҳбар ҳам, оддий фукаро ҳам келаверди, келаверди. Беруний мукофоти эгаси, олим Озод Шарофиддинов, таникли режиссёр Максуд Юнусов, табаррук образлар яратувчиси, иктидорли актёр Мухаммадали Абдукундузов, Андижон вилояти хокими муовини Назиржон Саидов, захматқаш, кекса олим Сайфиддин хожи Жалилов... Хуллас, Чўлпонни севганлар, ҳурматлаганлар буёғи Тошкенту Фаргона, буёғи Бўзу Қомсомолобод буёғи... кўйинги, чор тарафдан етиб келдилар.

Шу куни вилоят театри биносидан бўлиб ўтган Чўлпонхонлик эса хотира йўқловининг давоми бўлди. Чўлпон юбилеи муносабати билан амалга оширилаётган ишлар, янги таклифлар сўзланди. Хонадалар Чўлпон кўшиқларини куйладилар. Шоир Тўлан Низомнинг «Чўлпон» дostonидан сахна кўринишлари намойиш этилди.

Ажаб бир маъюс, ажаб бир маъсум, ажаб дилга яқин кун бўлди бу кун.

Замира РҶЗИЕВА.



Тепаверайми?

### Шукр қил

БОЗОР куни эрталаб Матмусани хотини эрининг қўлига икки танга тутқазиб, рўзғорга зарур нарсаларни ҳарид қилиш учун жўнатибди.

Матмуса ҳуржунни елгага ташлаб бозор айланиб юрган экан таниш-билишлари учраб қолибди. У ёқ-бу ёқдан гап очилиб, суҳбат шунчалик қизиқдики, кун туш бўлганини билмай қолишибди. Бир маҳал бозордан нарса харид қилиш эсига тушган Матмуса елкасига қараса — ҳуржунни йўқ. Қозондай қайнаб турган бозорнинг қаерида тушириб қўйганини билмайди. Ҳуржун бўлмагач харидларини қаёққа соларди. Тоза қидиради, ҳолдан тояди. Охири куруқдан куруқ уйга қайтар экан, хотинининг дақи-дашномини эшитиб, тоза адабини ейишини тасаввур қилди. «Улгидай жағи очиладиган бўлди-да», дея тақдирга тан бериб, кириб келибди.

— Янгиликдан хабаринг йўқ, хотин,— деди у эшикдан кирар-кирмас,— бозорда бугун тумонат одам, ҳаммаси ҳуржунни йўқотиб қўйибди. Бунақа воқеани биринчи кўришим. Биттаси йўқотсин, иккитаси йўқотсин, ана ол, учтаси йўқотсин. Ҳаммаси эппасига барабар йўқотадими-я?

— Бундан чиқди, сиз ҳам йўқотгандирсиз-да?

— Э, нимасини айтасан, ҳамма йўқотса-ю, ман қараб турсам, инсофдан бўладими? Барчага баробар келган ёмон кун ҳам — тўй, дедим, бошқалардан менинг қаерим

кам, дедим, юрагим ачишиб турсаям, нима қилай, йўқотишга мажбур бўлдим.

— Яхшиям, бўш ҳуржунни елкангизга осиб юрган экансиз, ичига каллангизни солиб олгангиздами, ундан ҳам маҳрум бўларканмизда?

— Ҳа, шунга шукр қил хотин, калла ёнга қолди. Аксинча елкамда ҳуржун қолиб, каллам йўқолгандами, ҳозир қоқ-куруқ танамни кўриб турган бўлардинг.

— Худога минг қатла шукр,— унга жавобан хотини

## ҒИРВОНЛИК МАТМУСАНИНГ ҲАНГОМАЛАРИ

пичинг қилибди,— сиздақа доно, ақлда бебаҳо эрни қаёқдан ҳам топардим кейин.

### Қарзини тўламаганнинг жазоси

БИР савдогар Матмусадан қарз олиб, сафарга кетган экан. Сафардан қайтгач, қарзини тўлашни унутибди. Матмуса ана кутармиш, мана кутармиш — савдогардан лом-лим чиқмас эмиш. Ҳап саними, дебди Матмуса уни чув тушириш мақсадида. Бир куни савдогар дўконда савдо қилиб ўтирган маҳал кириб борибди:

— Тақсир, анави дорга очиглиқ чопон хўп хушбичим эканми? Жуда кўзимга бошқача кўриняпти-да.

Шунда савдогар:

— Ҳа, бу чопонни олган барака топади,— дебди.

— Кийиб кўрсам майли-

ми?

Савдогар чопонни дордан олиб, унинг олдига ташлабди. Матмуса кийиб кўриб, маъқул бўлганини айтибди.

— Аммо бундан кўра, анови кундуз телпак яхшироққа ўхшайди,— дебди чопонни эгидан ечар экан.— Келинг, яхшиси, буни олинг-да ўрнига ўша телпакни беринг.

Савдогар унинг айтганини қилибди. Матмуса телпакни кийибди индамай-нетмай кўчага отланибди.

— Ҳой, Матмуса, қаёққа

бер!

— Мен сиздан чопон эмас, телпак олдим-ку?

— Унда телпакнинг пулини бер!

— Чопонимни телпакка алмаштирдикку? Яна устига пул ҳам берайми? Жиннипинни бўлганмисиз ўзи?

— Узинг жинни!

— Муттаҳам!

— Узинг муттаҳам!

Уларнинг шовқин-суронига одамлар йўғилибди. Орага тушганлар ҳам ким ҳақу, ким ноҳақлигига тушунолмай боши қотибди. Ниҳоят Матмусанинг ҳақлигига ишонибди. Савдогарни ҳақиқий муттаҳамга чиқаришиб, тарқалишибди.

Савдогар эса олиша-олиша тинкаси қуригандан нафаси ичига тушиб, тақдирга тан беришга мажбур бўлибди.

Бошига кундуз телпакни қўндириб олган Матмуса мағрур юриб, кўча томон йўл оларкан, дўкон эшигига борганда савдогар томон ўғирлиб писанда қилибди:

— Олган қарзини унутиб, вақтида тўламаганнинг жазоси мана шунақа бўлади, тақсир!

— Қанақасига сизники бўларкан!— дебди мақсадга эришаётганига қувониб,— Чопон кимники — кийганики эмасми? Агар бошқача бўлганда сизнинг эгингиздаги меники бўларди. Ҳозирги чопонни менинг эгинимдан ечиб олдингизми, демак, у — меники! Сиз чопон ўрнига кундуз телпак бердингиз. Ур-

тада ўзаро айрибошлаш содир бўлди. Пул ҳақида ҳеч қанақа гап бўлгани йўқ эди-ку? Кап-катта, ақлли-хушли одам муттаҳамлик қилишга уялмайсизми?

Савдогарнинг хуноби ошибди:

— Муттаҳам мен эмас, сен экансан! Ахир телпак меники — пулини беришинг керак!

— Йўқ, тақсир, телпак ўрнига чопон бердим-ку?

— Унда чопоннинг пулини бер!

— Мен сиздан чопон эмас, телпак олдим-ку?

— Унда телпакнинг пулини бер!

— Чопонимни телпакка алмаштирдикку? Яна устига пул ҳам берайми? Жиннипинни бўлганмисиз ўзи?

— Узинг жинни!

— Муттаҳам!

— Узинг муттаҳам!

Уларнинг шовқин-суронига одамлар йўғилибди. Орага тушганлар ҳам ким ҳақу, ким ноҳақлигига тушунолмай боши қотибди. Ниҳоят Матмусанинг ҳақлигига ишонибди. Савдогарни ҳақиқий муттаҳамга чиқаришиб, тарқалишибди.

Савдогар эса олиша-олиша тинкаси қуригандан нафаси ичига тушиб, тақдирга тан беришга мажбур бўлибди.

Бошига кундуз телпакни қўндириб олган Матмуса мағрур юриб, кўча томон йўл оларкан, дўкон эшигига борганда савдогар томон ўғирлиб писанда қилибди:

— Олган қарзини унутиб, вақтида тўламаганнинг жазоси мана шунақа бўлади, тақсир!

— Қанақасига сизники бўларкан!— дебди мақсадга эришаётганига қувониб,— Чопон кимники — кийганики эмасми? Агар бошқача бўлганда сизнинг эгингиздаги меники бўларди. Ҳозирги чопонни менинг эгинимдан ечиб олдингизми, демак, у — меники! Сиз чопон ўрнига кундуз телпак бердингиз. Ур-

Абдулла САМАД.

# Ишонч

БОШ МУҲАРРИР

ТҮЛҚИН ҚОЗОҚБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Акмал АҚРОМОВ  
(бош муҳаррир муовини),  
Абдуманноп АЛИМБОЕВ,  
Мухаммадлатиф ЖУМАНОВ,  
Турғунбой МАДИЕРОВ,  
Турғун НАЗАРОВ  
(масъул котиб),  
Абдурасул РҶЗМАТОВ,  
Саминжон СУЛТОНОВ  
(вилоят муҳбири),  
Мухайё ТҮЛАГАНОВА,  
Шабот ХҶЖАЕВ,  
Санобар ХҶЖАЕВА.



- Бош муҳаррир қабулхонаси 56-25-36
- Бош муҳаррир муовини 56-52-89
- Масъул котиб 56-52-78

### БҶЛИМЛАР

- Қасаба уюшмалари, социал адолат, иктисодий ҳаёт — 56-82-79.
- Маданият, маънавият ва хатлар 56-87-78, 56-87-63.
- Мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79
- Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-85-43

### ВИЛОЯТЛАРДАГИ

#### МУҲБИРЛАРИМИЗНИНГ

##### ТЕЛЕФОНЛАРИ:

- Андижонда — 5-32-24;
- Бухорода — 3-50-10
- Гулистонда — 2-10-02;
- Жиззахда — 2-31-41;
- Навойда — 3-52-99;
- Наманганда — 6-22-10;
- Нукусда — 4-19-97;
- Самарқандда — 35-64-22;
- Термизда — 2-70-07;
- Тошкентда — 56-87-95;
- Фаргона — 4-28-29
- Урганч — 6-03-40
- Қаршида — 5-33-71;

● Мухарририят га келган қўлашмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайдиган, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Тахририят востачилик қилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

● Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.



Сотувда эркин нархда.

● ШАНБА кунлари чиқади.

● Босишга 5 ноябрда топширилди.

● Навбатчи масъуллар:

Турғун НАЗАРОВ,  
Саидазим ШАРОФҶОНОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

● 63680 нусхада босилди.

● Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.

● Газетага 1991 йил 8 январда Ўзбекистон Матбуот Давлат қўмитаси томонидан 00068 рақамли гувохнома берилган.

● Офсет усулида босилди.

● Формати А-3 ҳажми 2 босма табоқ.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамаси Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ»

● нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

● Буюртма Г-660

1 2 3 4 5 6